


# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 2 ноябрь, № 215 (5889) Шанба


# хабарлар

**Янгиликлар, воқеалар,**

■ *Жорий йилда “Бухоропахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” очиқ акциядорлик жамияти тизимидаги тўққизта корхона негизида 126 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, шунингдек, 18 та ихтисослаштирилган пиллахона қурилиб, фойдаланишга топширилган эди.*

## Хизмат кўрсатиш мажмуалари кўпаймоқда

Маиший ва сервис хизмати кўрсатиш мажмуалари таркибида новвойхона, ошхона, тикувчилик цехи, савдо дўкони каби қатор шохобчалар фаолият кўрсатмоқда. Эътиборлиси, ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида 450 та доимий, 3600 та мавсумий иш ўрни юзага келди. Пилладан ҳам кутилганидан зиёд ҳосил етиштирилди.

Қисқача айтганда, тажриба ўзини оқлади. Шундан келиб чиқиб, жамият тизимидаги корхоналар қошида қўшимча 18 та пиллахона қуриш юмушлари ниҳоясига етказилди. Бу эса яна кўплаб қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш имконини беради.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *“Norin mechaniral plant” масъулияти чекланган жамиятида бундан бир йил муқаддам велосипед ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Ўтган қисқа давр мобайнида корхонанинг замонавий ишлаб чиқариш биноси барпо этилиб, бутловчи деталларнинг бир қисми маҳаллий шароитда тайёрлана бошланди.*

## Норин велосипедлари

Эндиликда 92 киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада қувватлар тўла ўзлаштирилиб, ойига 4 мингта маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Катталар учун 4, болалар учун 2 турдаги бу велосипедларга талаб тобора ортиб бораётир. Шундан келиб чиқиб, жорий йилнинг ўзида ички бозорга 35 минг донадан ортиқ велосипед етказиб бериш режалаштирилган. Лойиҳа ижроси учун ҳозирги кунга қадар 2,9 миллион АҚШ долларилик инвестиция йўналтирилди. Олдинда хориждан келтирилаётган бутловчи қисмларни тўла маҳаллийлаштириш вазифаси турибди. Бизнес-режага мувофиқ, 2015 йилгача уларнинг барчаси шу жойнинг ўзида тайёрланади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Термиз шаҳридаги “Термиз — мебель — дурадгор” масъулияти чекланган жамияти жамоаси қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган тураржойлар учун эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқариш билан шуғулланар эди.*

## Банк сармояси ҳисобига

Банк томонидан ажратилган 170 миллион сўмлик кредит эвазига корхона фаолияти кенгайтирилиб, бу ерда мебель жиҳозлари тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

— Маҳсулотларимиз буюртмачиларга манзур бўлаётгани туфайли олинган кредитни белгиланган муддатда қоплашга эришдик, — дейди тадбиркор Ҳамид Боқиев. — Келгусида ҳам банк сармояси ҳисобига яна бир неча турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехлари учун технологиялар харид қилмоқчимиз.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Хива туманидаги Чинобод қишлоғида йилига 16 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга “Реал ғишт” масъулияти чекланган жамияти ишга туширилди.*

## Қурилишбоп материаллар

Ушбу лойиҳа рўёби учун 120 минг АҚШ долларилик маблағ сарфланди.

— Вилоятда бунёдкорлик ишлари авжига чиққан бир пайтда янги қувватнинг ишга туширилиши айни муддао бўлди, — дейди корхона раҳбари Шерзод Оллаберганов. — Бинобарин, замонавий технология кам маблағ сарфлаб, юксак унумдорликка эришиш имконини бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ИСЛОҲОТ

***Кеча “Тошкент — Марказий” темир йўл вокзалига навбатдаги “O‘ZEL” туркумига кирувчи 4 та янги юк электровози келтирилди.***



## Темир йўл транспорти:

# ИЗЛАНИШ, ЯНГИЛАНИШ, ИСТИҚБОЛ

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида бошқа соҳалар қаторида темир йўл транспортини барқарор ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик темир йўл компанияси тизимида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, ҳаракат хавфсизлиги янада мустаҳкамланган ҳолда, йўловчи ва юк ташиш ҳажми кескин ошмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан 2012 йил 13 мартда имзоланган “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик темир йўл компанияси йўловчи локомотивлар паркини янгилашга доир қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Гап шундаки, мазкур ҳужжат асосида соҳага чет эл инвестициялари жалб қилиниб, хорижий компаниялар билан биргаликда янги истиқболли лойиҳалар муваффақиятли рўёбга чиқарилаяпти. “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик темир йўл компанияси Хитой Халқ Республикасининг “CNTIC — CNRDLRC” консорциуми билан ҳамкорликда амалга ошираётган лойиҳа шулардан биридир. Унга кўра, Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки иштирокида “O‘ZEL” туркумидаги ўн битта юк электровозини харид қилиш кўзда тутилган.

(Давоми 2-бетда).



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# ЭРКИН САВДО ЗОНАСИ — КЕНГ ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИЯТЛАР МАКОНИ

**Президентимиз Ислом Каримовнинг МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида сўзлаган нутқи катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.**

Мамлакатимизнинг Ҳамдўстлик давлатлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорлиги изчил ривожланиб бормоқда. Ижтимоий ва маданий алоқалар тобора мустаҳкамланмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг Минск шаҳрида бўлган мажлисида сўзлаган нутқида Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида амалдаги савдо режимига салбий таъсир кўрсатмайдиган принципларга асосланган тўлақонли эркин савдо зонасини шакллантириш масаласига эътиборни қаратди. Бунда товар оқимлари тузилмасини диверсификация қилиш, ўзаро етказиб берилаётган товарлар турларини кенгайтириш ва энг муҳими, мувофиқлаштирилган ва самарали транспорт-коммуникация ҳамда тариф сиёсатини амалга ошириш улкан аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимиз иқтисодиёти жадал суръатларда ривожланмоқда. Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблиги таъминланмоқда. Саноат корхоналарининг модернизация қилинаётгани, соҳага замонавий технологиялар жорий этилаётгани самарасида жаҳон бозорида харидоргир, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг маҳсулотларини экспорт қилиш учун зарур ҳуқуқий ва ташкилий ёрдам кўрсатилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 8 августда қабул қилинган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада яна бир муҳим қадам бўлди. Мазкур қарорга мувофиқ ташкил этилган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси хориж бозорларидаги талаб ва эҳтиёжларни ўрганиш орқали юртимиз ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш, экспорт операцияларини амалга оширишга кўмаклашади.

Мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилган, экспорт қилувчи корхоналар учун бир қатор имтиёз ва афзалликлар берилган. Хусусан, экспорт қилувчи корхоналарнинг фойда ва мулк солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови умумий сотиш ҳажмида экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача бўлганда — 30 фоизга, экспорт улуши 30 фоиз ва ундан кўпроқ бўлганда — 2 маротаба камайтирилган.

(Давоми 2-бетда).

# Жаҳон чемпионати ғолиби ва совриндори тақдирланди

*Пойтахтимиздаги “Олимпия шон-шуҳрати” музейида яқинда Польшанинг Вроцлав шаҳрида оғир атлетика бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида муносиб иштирок этган спортчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*

ЭЪТИБОР

Хабарингиз бор, куни кеча халқаро мусобақаларда эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, мамлакатимизнинг дунё миқёсидаги обрў-эътибори ҳамда нуфузини оширишга қўшган ҳиссаси учун оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари — Руслан Нурудинов ва Улуғбек Алимов давлатимиз раҳбарининг Фармонига биноан, “Ўзбекистон ифтихори” ва “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи” фахрий унвонлари билан мукофотланган эди. Тақдирлаш маросимида ана шу мукофотлар ўз эгаларига топширилди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби спортни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Келажагимиз эгаларини ҳар томонлама соғлом ва баркамол вояга етказишда муҳим ўрин тутувчи жисмоний тарбия ҳамда спортни янада оммалаштириш, фарзандларимизнинг нафақат маънан ва руҳан, балки жисмонан ҳам ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан саналади. Шу мақсадда қатор давлат дастурларининг қабул қилингани, юртимизда болалар спортини равнақ топтиришга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик, дунёда муқобили йўқ узлуксиз спорт ўйинлари — мактаб ўқувчиларининг “Умид ниҳоллари”, академик лицей ва коллеж ўқувчилари ўртасида мунтазам уюштириб келинаётган “Баркамол авлод” ҳамда олий таълим муассасалари талабаларининг Универсиада спорт ўйинларида тобланган ёшларимизни миллий терма жамоаларга жалб қилиш ва уларга барча зарур шарт-шароитларнинг яратиб берилаётгани ўзининг юксак самараларини намоён этмоқда.

(Давоми 4-бетда).

БИЗ ВА ЖАҲОН

*Яқинда Баварияда Ўзбекистон Республикаси сайёҳлик салоҳиятининг тақдимоти бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Германиядаги дипломатия миссияси томонидан “Silk Road Company” Бавария жамоат бирлашмаси ва Берлиндаги “ATRO Reisebüro” сайёҳлик компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда Бавариядаги Мюнхен, Хальбергмос ва бошқа шаҳарларнинг расмий, илмий-академик, маданий, жамоатчилик доиралари ҳамда немис оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.*

# Баварияда тақдимот

Тақдимот Ўзбекистонда сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жабҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларга доир атрофлича маълумотларни тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола қилиш билан бошланди.

Тадбирда “Silk Road Company” Бавария жамоат бирлашмаси директори Герхард Бирклнинг юртимиз замонавий тараққиёти ва бой сайёҳлик имкониятлари, ўзбек халқининг тарихий-маданий меросини қайта тиклаш ҳамда авайлаб асраш юзасидан ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар мавзуига бағишланган мультимедиа воситасидаги тақдимоти йиғилганлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Г. Биркль ўз чиқишида Ўзбекистоннинг умуминсоний қадриятлар асраб-авайланишига содиқ мамлакат эканлигини қайд этар экан, Ўзбекистонда миллий анъаналар ва замонавий маданият ўзаро уйғун ҳолда амал қилаётганига алоҳида урғу берди. “Ёш мустақил республика ўзининг очиқлиги ва саховатга тўла меҳмондўстлиги билан ажралиб турадики, бу ажойиб юртда лоақал бир мартагина бўлган ҳар қандай киши бизнинг фикримизни тасдиқлаши мумкин”, деди у, жумладан.

Германиянинг таниқли ёш хушовоз хонандаси Эльза Кодеда ижросида намойиш этилган, ўзида Марказий Осиё халқлари маданиятининг ранг-баранглигини мужассамлаштирган концерт дастури тадбирга алоҳида шукуҳ бағишлади. Шунингдек, тақдимот доирасида ташкиллаштирилган Ўзбекистон маданияти ва сайёҳлик салоҳияти мавзуидаги суратлар кўргазмаси ҳам қатнашчиларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

Тадбир якунида “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири тақдимотнинг айрим ташкилотчи ва меҳмонлари билан мулоқотда бўлди.

— Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган ушбу тақдимот жуда қизиқарли ва маълумотларга бой кечди, — деди **Баварияда истиқомат қилувчи Этца Шенеман.** — Мен юртингизда бундан 15 йил аввал бўлган эдим. Бугун республиканинг шаҳару қишлоқлари мутлақо янгича қиёфа касб этганини кўрдим. Бу эса мамлакатда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганининг яққол далолатидир.

(Давоми 2-бетда).

**Жорий йилнинг январь — сентябрь ойлари мобайнида мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**9,4** **фоиз ўсди.**

Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини юксалтиришга доир комплекс дастурларни амалга ошириш билан бир қаторда, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва турларини кенгайтириш чора-тадбирлари кўрилгани натижасида ана шундай юқори кўрсаткичга эришилди.

# Ахборот-кутубхона фаолияти ва қонунчилик

*Пойтахтимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан “Ахборот-кутубхона фаолиятининг ҳуқуқий асослари: амалдаги қонунчилик ва уни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари” мавзуида видеоконференция ўтказилди.*

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ



Унда қуйи палата депутатлари, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Интеллектуал мулк агентлиги, тегишли вазирлик ҳамда идоралар вакиллари, мутахассислар иштирок этди. Тадбир давомида ахборот-кутубхона фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва соҳани янада ривожлантириш, бунда АКТ имкониятларидан кенг фойдаланиш йўналишлари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари томонидан аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларни маънавий-маърифий жиҳатдан етук инсонлар қилиб вояга етказиш, азалий қадриятлар ҳамда фазилатларни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратиб келинаяпти. Шубҳасиз, бунда мутлақо янги кўриниш ҳамда мазмун-моҳиятга эга ахборот-кутубхона тизимига асос солиниши ва у изчил равнақ топтириб борилаётгани салмоқли роль ўйнаяпти. Хусусан, тегишли ҳуқуқий-ташкилий, молиявий-иқтисодий, техник-технологик механизмлар ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда.

Албатта, бунда “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона ресурсларини шакллантириш, аҳолига сифатли хизмат кўрсатишдек эзгу мақсад ўз ифодасини топган. Бу йўлда ахборот-кутубхона муассасалари мавқеи ҳамда вазифалари, ахборот-ресурс марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни кадрлар билан таъминлаш устувор вазифалар сифатида давлат ҳамда кенг жамоатчиликнинг диққат-эътиборида бўлиб келаяпти.

Бинобарин, ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг амалиётга изчил татбиқ этилиши фойдаланувчиларни ахборот-ресурс марказларидан самарали фойдаланиш, мазкур муассасаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларга солиқ ва бошқа имтиёзлар беришда муҳим аҳамият касб этаётир.

— Республикамизда “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”-ги Қонун юзасидан муайян ишлар рўёбга чиқарилаяпти, — дейди қуйи палата депутати Х. Каримова. — Чунончи, ахборот-кутубхона фаолиятида адабиёт фондларини кўпайтириш, кутубхона ишига замонавий АКТни изчил татбиқ қилиш бўйича тизимли чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда 12 мингга яқин ахборот-кутубхона муассасаси фаолият кўрсатаяпти. Уларнинг фонди 83,6 млн. нусхани ташкил этиб, 3,5 миллиони электрон шаклда эканлиги диққатга сазовордир. Барча зиё масканлари интернет, жумладан, “ZiyoNet” тармоғига уланган.

Конференцияда жабҳада ўқувчиларга хизмат кўрсатиш жараёнларини интеграциялаш, ахборот тўплаш, унга ишлов бериш, таълим муассасалари ва ҳудудларда китобхонларга масофадан туриб хизмат кўрсатиш тезлиги ҳамда сифатини янада яхшилаш бўйича амалиётга жорий этилаётган лойиҳалар самараларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Айни кунларда республикадаги ахборот-кутубхона марказларининг ахборот ресурсларини жамлаб, интернетда корпоратив тармоқ яратиш устида изланишлар олиб борилаяпти. Бу эса китобхонларга ахборот-кутубхона марказлари хизматларидан масофадан туриб янада кенг фойдаланиш имконини беради.

Тадбирда электрон кутубхоналар сонини кўпайтириш, уларни жиҳозлаш, адабиётларни рақамлаштириш, онлайн-интерактив хизматлар портфелини кўпайтириш долзарб масалалардан эканлиги қайд этилди. Бу йўлда бир қатор, жумладан, вилоятлар ахборот-кутубхона марказларини ривожлантириш ҳамда модернизациялашга қаратилган лойиҳа ишлаб чиқилгани муҳим роль ўйнаши, шубҳасиз.

Анжуман давомида кутубхона ишида АКТдан фойдаланиш, тегишли жараёнларни автоматлаштириш, визуал-виртуал ахборотларни тақдим этиш, бунда интерактив усулларнинг аҳамиятига оид янгиликлар, тақдимотлар ҳамда тизимлар ҳақида ахборот берилди. Айни пайтда соҳага доир ташкилий-ҳуқуқий базани янада маромига етказиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Чунончи, соҳада кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш жараёнларини янада такомиллаштириш, ахборот-кутубхона ресурсларидан масофадан туриб фойдаланиш, бунда хориж тажрибасини ўрганиш, электрон тарзда хизмат кўрсатиш шакллари ва илғор дастурий маҳсулотларни тизимли равишда, айниқса, қишлоқ жойларида кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Йиғилиш якунида кўриб чиқилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

---

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

## Темир йўл транспорти:

# ИЗЛАНИШ, ЯНГИЛАНИШ, ИСТИҚБОЛ

Келишувга мувофиқ, электровозларнинг 3 таси жорий йилнинг август ойида юртимизга келтирилган эди. Ҳозир улар синов муддатини муваффақиятли ўтаб, юк ташиш йўналишида хизмат қилмоқда. 2014 йилда яна 4 та шундай электровоз ишлаб чиқарилиши белгиланган эди. Аммо Ўзбекистон темир йўлчиларининг саъй-ҳаракатлари туфайли бу электровозларни лойиҳалаш ва тайёрлаш муддатлари қисқартирилди. Яъни юқорида қайд этилганидек, жорий йилнинг 1 ноябридаёқ навбатдаги 4 та электровоз мамлакатимизга олиб келинди. Қолган локомотивлар ҳам муддатидан анча илгари — шу йил охиригача келтирилиши кутилмоқда.

Янги электровозлар ўзбекистонлик темир йўл мутахассисларининг техник талаблари асосида хитойлик локомотив-қурувчилар — “CNTIC-CNRDLRC” консорциуми (ХХР) томонидан “Toshiba” компанияси ишлаб чиқарган электр жиҳозларидан фойдаланилган ҳолда қурилди. Бу жараёнда юртимиз мутахассислари томонидан илгари фойдаланилган “Ўзбекистон” ҳамда “O‘zbekiston-yo‘lovchi” русумидаги йўловчи электровозларининг барча кўрсаткичлари ўрганилиб, муҳандислик ечимлари юзасидан билдирилган таклифлар инобатга олинди. Шу нуқтаи назардан қараганда, янги электровозлар кўплаб афзалликларга эга. Жумладан, улар тоғли ҳудудларда ишлаш шароитлари такомиллаштирилганлиги, қисқа вақтда қуввати 6000 кВтдан 7200 кВтгача кўтарилганлиги, “Toshiba” IBGT замонавий блоклари қўлланилганлиги, бортда видеокузатувнинг мавжудлиги, тормозларни бошқаришда машинист учун электрон кран борлиги, сенсорли борт монитори (HMI) билан жиҳозланганлиги билан ажралиб туради.

Бошқача айтганда, бу юк электровозлари халқаро стандартлар талабларига тўлиқ жавоб берган ҳолда, сезиларли техник-иқтисодий самарадорлиги жиҳатидан устунликка эга. Таъмирлаш ишларини 25 фоизга, маҳсулот сарфини 40 фоизга, электр энергияси харажатининг эса 10 фоизга қисқариши бунинг тасдиғидир. Шу боис “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК паркидаги янги локомотивлар сони шу йил охиригача 38 тага етказилиши режалаштирилган.

Хитойлик мутахассислар бундай иқтисодий ҳамкорлик Ўзбекистон ва Хитой халқлари ўртасида тобора мустаҳкамланиб бораётган анъанавий дўстлик алоқаларининг амалий самараси эканлигини, уни бундан кейин ҳам изчил ривожлантиришдан манфаатдорлигини мамнуният билан изҳор этмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, юртимиз темир йўл тизимидаги локомотивлар паркининг замонавий электровозлар билан тўлдирилиши тармоқни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътиборнинг амалдаги ифодаси бўлиб, бу пировардида юк ташиш кўламини яна кенгайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Ҳулкар ҲОТАМБОЕВА,**
**«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК матбуот хизмати раҳбари ўринбосари.**

---

# ЭРКИН САВДО ЗОНАСИ — КЕНГ ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИЯТЛАР МАКОНИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу борадаги ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган 9 ойида ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,1 фоизга, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 9,4, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 15,9, чакана савдо айланмаси 14,7 фоизга ошди. Импорт ўрнини босиш самарадорлиги 4 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди, рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида 469 корхона экспорт фаолиятига жалб этилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 51,2 фоизга, экспортдаги улуши 19,1 фоизга ўсди. Улар томонидан қиймати 625,5 миллиард сўмлик маҳсулот сотилди ва бу умумий биржа айланмаси ҳажмининг 12,1 фоизини ташкил қилди.

Жорий йилнинг март — июнь ойларида бўлиб ўтган халқаро саноат ярмаркаларида иштирок этган 3 мингдан ортиқ корхоналаримиз 224,9 миллион АҚШ доллари миқдоридаги экспорт шартномалари имзолади. Шу кунларда пойтахтимизда давом этаётган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида дунёнинг 55 мамлакати, жумладан, МДҲ давлатларининг компания ва фирмалари вакиллари иштирок этмоқда.

МДҲ давлатлари бозори юртимиз ишбилармонлари учун ҳар томонлама, айниқса, географик ва логистика жиҳатидан қулай. Рақамларга эътибор берсак, МДҲ давлатларининг мамлакатимиз умумий экспорт ҳажмидаги улуши 2008 йилда 34,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилнинг 9 ойида қарийб 40 фоизга етган.

Эркин савдо зонаси мамлакатимизда саноат кооперациясини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишда муҳим роль ўйнайдиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари учун муҳим аҳамиятга эгадир. Бу тадбиркорларимиздан эркин савдо зонаси имкониятларидан самарали фойдаланишни, ўз салоҳиятини тўла ишга солиб фаолият юритишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг Эркин савдо зонасини ташкил этиш тўғрисидаги шартномага қўшилиши мамлакатимиз тадбиркорлари учун янги имкониятлар яратади. Ўз навбатида, мамлакатимизнинг изчил ривожланаётган бозори ва жадал ўсиб бораётган иқтисодиёти билан ушбу муҳим интеграция лойиҳасида иштирок этиши Шартноманинг барча қатнашчиларига катта фойда ва манфаат келтиради. Шу боис ушбу ташаббус мамлакатимиз тадбиркорларига янги куч, янги ғайрат бағишламоқда.

**Алишер ШАЙХОВ,**
**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси.**
**(ЎзА).**

---

# Баварияда тақдимот

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Эришилган муваффақиятлар сайёҳликни ривожлантириш ва хорижлик сайёҳлар оқимини оширишга кўмаклашиши аниқ. Мазкур тақдимот Ўзбекистон ҳақидаги хотираларимни янгилаб, тасаввурларимни янада бойитди. Келгуси йили гўзал ўлкангиз бўйлаб яна саёҳатга чиқишни режалаштирдим.

**Бавариялик фаол жамоатчи Эрика Тибель** ўтган асрнинг 90-йиллари бошида Ўзбекистонга борганини ёдга олар экан, юртимизда кадрлар тайёрлаш ва чет тилларни, жумладан, немис тилини ўрганишга қаратилаётган эътиборга катта баҳо берди.

— Мамлакатингизда ҳар томонлама ривожланган ва соғлом ёш авлодни тарбиялашга йўналтирилган сиёсат ҳурмат-эътиборга лойиқдир, — деди у. — Чунки Ўзбекистон қадимдан илм-фан, маданият ҳамда цивилизациялар бешиги бўлиб келган. Юртингиз улкан сайёҳлик ва сармоявий салоҳиятга ҳам эгадир. Яна шуниси диққатга сазоворки, Ўзбекистон табиий ресурсларидан фойдаланиш ва экспорт қилиш билан чекланиб қолмасдан, ўз иқтисодиётини изчил диверсификацияламоқда. Мамлакатингиз пойтахти ва бошқа шаҳарларидаги ўзгаришлар, қишлоқ жойлардаги уй-жой қурилиши кўлами алоҳида эътиборга моликдир.

**Тақдимотнинг асосий ташкилотчиларидан бири, “Silk Road Company” Бавария жамоат бирлашмаси директори Герхард Биркль** ўзининг республикамиз бўйлаб сафарлари чоғида ўзбек халқининг маданияти ҳамда анъаналари нақадар ноёб эканлигига шахсан гувоҳ бўлганини таъкидлади.

— Юртингизда улкан ва унутилмас таассуротлар орттирганман, — деди у, жумладан. — Шу боис қалбимда ўзбек халқининг бой тарихий-маданий мероси ва меҳмондўстлигини Ўзбекистоннинг германиялик ихлосмандларига етказиш истаги туғилган эди.

Кези келганда айтишим керакки, 2011 йилдан бери “Uzbekistan News” деб номланган махсус электрон безакли брошюрани кўп сонли ўқувчиларимиз эътиборига ҳавола қилиб келмоқдаман. Бу нашр маданият, таълим ва иқтисодиёт соҳаларидаги ҳамкорлик воситасида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга ҳисса қўшишни мақсад қилган.

Бугун тадбир қатнашчилари эътиборига ҳавола этилган тақдимот эса бавариялик саёҳат ишқибозларини Ўзбекистоннинг ноёб сайёҳлик салоҳияти билан яна бир бор таништириш ҳамда уларни мамлакатингиз бўйлаб саёҳатга чорлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.



**«Жаҳон» АА.**
Берлин

---

2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Оилани асраш — барчамизнинг муқаддас бурчимиз» мавзуида тадбир ўтказилди.*

# БАРЧАМИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Оила» илмий-амалий маркази, ҳуқуқ-тартибот идоралари, диний ташкилотлар вакиллари, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, маданият ва санъат намояндалари иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилгани таъкидланди.

Обод турмуш йилида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, оилаларнинг фаровонлигини ошириш, хотин-қизлар ва болаларни соғломлаштиришга оид ишлар кўлами ортди. Айни пайтда ёш оилаларга имтиёзли тарзда уй-жой кредитлари ажратиш, уларни доимий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, оиланинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, ёшларнинг тиббий маданияти ва саводхонлигини юксалтиришга оид чора-тадбирлар янада кенгайди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик баркамол авлодни вояга етказиш, ёшлар маънавиятини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Айни пайтда турли арзимас сабаблар билан ёшлар ўртасида никоҳнинг бекор қилиниши ҳолатлари ҳам учраётгани афсусланарлидир. Бу, аввало, ёшлардан, уларнинг ота-оналари, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари фаолларидан оиланинг жамиятдаги нуфузини оширишдаги бурч ва масъулиятини теран англашни талаб этмоқда.

— Маҳалламизда 8 минг нафардан ортиқ аҳоли яшайди, — дейди пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Шофайз» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Малика Мўминова. — Оилавий ажримларнинг олдини олиш юзасидан изчил тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, янги ҳаёт бўсағасида турган йигит-қизлар билан оиланинг муқаддаслиги, жамият олдидаги бурч ва мажбуриятлари, соғлом авлодни шакллантиришда тиббий кўрикларнинг афзаллиги ҳақида мунтазам суҳбатлар ўтказилмоқда. Ота-оналар билан фарзандларининг келажаги учун масъулиятни чуқурроқ ҳис этиши, тўйларни камхарж, ортиқча дабдабасиз, ихчам ўтказиш юзасидан давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилаётгани ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

Тадбирда оиланинг мустаҳкамлигини таъминлашда маҳаллалардаги яраштирув комиссиялари, хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини янада кучайтириш, коллеж ва лицейларда ёшлар билан бу борада суҳбатлар ташкил этиш, бунда тегишли ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**Н. УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

---

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА

*Мамлакатимизда маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар фаолиятини тубдан яхшилаш, депутатларнинг парламентимизда қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, аҳоли манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг муаммолари ўз вақтида ҳал этилишига кўмаклашишдаги масъулиятини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинади. Шубҳасиз, ана шундай фаолият қонунлар жойларда қандай ишлаётгани, фуқаролар дуч келаётган муаммолар ва уларни ҳал этиш бўйича нималар қилиш зарурлигини аниқлаш учун депутатга имкон бермоқда.*

# Ижро масъулияти ва самарадорлик

Таъкидлаш жоизки, халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари доимий комиссияси томонидан жойларда ҳуқуқий ҳужжатларнинг, шу жумладан, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик вакиллари, айниқса, ёшлар онгига етказишга бағишланган турли учрашув, семинар, давра суҳбатлари ўтказилаётир.

Шу маънода айтиш керакки, бугунги кунда мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг аҳамиятини аҳолига атрофлича тушунтириш электорат билан бўлиб ўтадиган учрашувларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этаяпти. Фуқаролар мурожаатларига эътибор қаратиш, айниқса, уларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш, оилалар фаровонлиги ва мустаҳкамлигига қаратилган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, ана шундай тадбирлардан бирини Сирдарё шаҳарчасидаги Дўстлик маҳалласида ўтказдик.

Мазкур маҳаллада 3615 нафар аҳоли истиқомат қилади. 1005 та оила мавжуд бўлиб, аёллар сони 1735 нафарни ташкил этади. Хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида бугун улар ҳар бир соҳада ўз иқтидори ва салоҳиятини, бор куч ва билимини намойиш этмоқдалар. Ўз навбатида, уларнинг ҳаракат ва интилишларида, авваламбор, Ўзбекистонимизни обод қилиш, инсон манфаати ва эркинлигини таъминлаш, тинч ва фаровон ҳаёт барпо этиш мақсади мужассам. Ана шу орзу-ниятларни амалга ошириш, уларни ҳаётимиз мақсадига айлантиришда ҳудудлардаги маҳаллий Кенгашлар депутатларидан катта масъулият талаб этилади, албатта.

Шу боис ушбу маҳаллада хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш изчил йўлга қўйилган. Мисол учун, бу ерда 15 нафардан зиёд ҳунарманд темирчилик, ёғоч ўймакорлиги, сангтарошлик, косиблик, каштачилик, тикувчилик билан шуғулланиб келишмоқда. 28 та кам таъминланган оилалар фарзандларини ана шу ҳунармандларга бириктирдик. Айни пайтда темирчи уста Баҳодир Набиев шогирдликка олган икки нафар коллеж битирувчиси темирдан турли буюмлар, эшик ва тўсиқлар ясаш сирларини ўзлаштириб олишди.

Вилоятда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилиб, бизнес юритишнинг ушбу шаклини янада тараққий эттиришга ҳам барча зарур шарт-шароитлар яратилаётир. Бунда Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш учун муҳим ҳуқуқий асос вазифасини бажармоқда.

Аёнки, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонунда тадбиркорлик субъектларининг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлган оилавий тадбиркорлик ва оилавий корхонанинг ўзига хос хусусиятлари ифодасини топган. Унга мувофиқ, оилавий корхона оила яшаб турган тураржойда фаолият юритиши ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни шу жойнинг ўзида сотиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, 2-Ёшлик маҳалласида бўлиб ўтган тадбирда оилавий тадбиркорлик ва унинг ҳуқуқий асослари ҳақида аҳолига тушунтириш олиб борилди. Бу бежиз эмас. Чунки мазкур маҳалладаги 746 та оиладан 218 таси ёш оила ҳисобланади. Қолаверса, “Обод турмуш йили” Давлат дастурида фуқаролар йиғини ҳудудида тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, корхона ва маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотларда касаначиликни йўлга қўйиш, ёшлар бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш каби мақсад ва вазифалар илгари сурилган. Айни чоғда маҳаллаларимиздан 10 нафар хотин-қиз иш билан таъминланиб, уларнинг тикувчилик, элита пардалар салони, гўзаллик салони ва бошқа хизмат кўрсатиш объектларида иш бошлашгани эътиборга молик.

Мухтасар айтганда, аҳоли манфаатларини таъминлаш, айниқса, хотин-қизлар турмуш даражасини юксалтириш, уларнинг оилада, жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш ҳамда фаоллигини ошириш ва бу борада қабул қилинаётган қонунларнинг сўзсиз ижроси эртанги кунимизнинг янада ёруғ бўлишини, шубҳасиз, кафолатлайди. Зеро, мамлакатимизда инсонларнинг тинч ва фаровон яшашларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига улуш қўшиш пировард мақсадимиздир.

**Барно ИСЛОМОВА,**
**халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари доимий комиссияси аъзоси.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

*Еврохудудда иқтисодий кўрсаткичлар яхши томонга ўзгараётганини англатувчи баъзи бир аломатлар кўзга ташланаётган бўлса-да, у ҳали меҳнат бозорига ижобий таъсир қилганича йўқ.*

## Энг жиддий муаммо




Гап шундаки, сентябрь ойида ягона валюта бирлигига кирувчи давлатларда ишсизлик даражаси яна 0,2 фоиз ошди. Умумий ҳисобда ҳозир ҳудудда 19 миллион 447 минг киши ишсиз. Айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш масаласи энг жиддий муаммо бўлиб турибди. Чунки бугунги кунда 25 ёшгача бўлган европалик йигит-қизларнинг 24 фоизи бекорчиликда кун кечираяпти. Испания ҳамда Грецияда бу кўрсаткич 60, Италияда эса 40 фоизга тенг.

## Чилида зилзила

*Чилида 6,6 балли зилзила содир бўлди.*



"Reuters" ахборот агентлиги тарқатган хабарга қараганда, табиий офат маркази мамлакатнинг Кокимбо шаҳридан 43 километр жануби-ғарбда қайд этилган. Қурбонлар ёки жароҳатланганлар, шунингдек, цунами келиб чиқиш хавфи мавжудлиги тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Айтиш жоизки, Чили сейсмик жиҳатдан сайёрамиздаги энг фаол ҳудудда жойлашган давлат бўлиб, бу ерда тез-тез кучли зилзилалар кузатиб турилади. Масалан, 2010 йилнинг март ойида рўй берган 8,8 балли ер силкиниши натижасида 540 нафар одам ҳаётдан кўз юмган, 220 мингта бино вайронага айланган эди.

## Чекловлар олиб ташланади

*АҚШ фуқаро авиацияси федераль бошқармаси (FAA) тез орада самолёт йўловчиларига парвоз вақтида смартфон, планшет, компьютер ёки ўйинлар учун мўлжалланган электрон технологиялардан фойдаланишга рухсат беради.*



Шу йил охирида жорий этилиши кутилаётган янги қоида маҳаллий рейсларнинг 99 фоизида амал қилади. Мутахассисларнинг фикрича, бундан ўн йиллар аввал парвозга халал бериши мумкинлиги сабаб йўловчиларга татбиқ этилган чекловга энди деярли ҳожат қолмади. Чунки бугунги кундаги самолётлар учиш хавфсизлигини таъминловчи энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган.

— Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, мамлакатимиз авиакомпаниялари хизматидан фойдаланаётган вақтда йўловчилар компьютерда ишлашлари, электрон китобларни ўқишлари ёки ўйин ўйнашлари мумкин, — дейди FAA раҳбари Майкл Хуэрта. — Лекин телефонда гаплашиш бундан мустасно.

## Харажат даромадга таъсир қилди

*Учинчи чоракда "Royal Dutch Shell" Буюк Британия — Нидерландия нефть-газ компанияси даромади ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 31 фоиз камайиб кетди.*




"The Wall Street Journal" нашрида ёзилишича, жорий йилнинг июль-сентябрь ойларида компания 4,25 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ишлаб топган. 2012 йилнинг учинчи чорагида эса бу рақам 6,15 миллиард долларга тенг эди.

"Royal Dutch Shell" кўрсаткичларининг пасайиб кетиши геологик-қидирув ишлари ҳамда нефтни қайта ишлаш харажатлари ортиб кетгани билан изоҳланмоқда.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

# Пухта ҳозирлик кўрилмоқда

*Юртимизда сахий куз фасли ҳукмрон бўлса-да, баъзи-баъзида ҳавонинг ўзгариб туриши, кутилмаганда ёмғир ёғиб, шамол эсиши изғиринли кунлар тобора яқинлашаётганлигидан дарак бериб турибди. Шу боис республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам қишга тайёргарлик борасида кенг миқёсли ишлар амалга оширилаяпти.*

МАВСУМ

Айниқса, Қатрон тоғларига туташиб кетган Қувасой шаҳри ва унга қарашли қишлоқларда бу мавсумга алоҳида ҳозирлик кўрилмоқда.

Гап шундаки, ушбу шаҳарда 140 та кўп қаватли уй ва ижтимоий соҳа объектлари мавжуд. Президентимизнинг 2013 йил 3 июлдаги "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2013/2014 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида уларни мавсумга тайёрлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилган. Айни пайтга қадар ана шу дастур доирасида 480 миллион сўмлик турли даражадаги ишлар бажарилди. 12 та маҳалла фуқаролар йиғини, 140 та кўп қаватли уй, 41 йирик корхонани қишга ҳозирлаш учун 300 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

— Шунингдек, 48 та таълим, 19 та соғлиқни сақлаш муассасаси, 4 та касб-ҳунар коллежи тўлиқ таъмирланди, — дейди шаҳар ҳокими Адҳамжон Зиёвуддинов. — Айни пайтда кўп қаватли уйлар, хонадонларнинг электр, сув, иссиқлик тармоқлари ҳамда қозонхоналарни мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари изчил олиб борилаяпти.

Авваллари қиш ойларида маиший чиқиндиларни шаҳар ташқарисига олиб чиқиб кетиш, тозалаш ишлари анча муаммо бўлиб қолар эди. Буни ҳал этиш учун жорий йилда шаҳар ҳудудида замонавий лойиҳалар асосида 16 та ҳандақ қазиш ишлари бошлаб юборилди. Шу мақсад учун 600 миллион сўм атрофида маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Бундан ташқари, қишни хонадонларда беталафот ўтказиш учун 6,7 минг тоннадан зиёд қаттиқ ёқилғи жамғариш кўзда тутилган.

